

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**PHILOLOGICAL RESEARCH:  
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION**

**FILOLOGIK TADQIQOTLAR:  
TIL, ADABIYOT, TA'LIM**

**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ:  
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ**

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nash etiladi

2023/ № 1

Термиз – 2023

# МУНДАРИЖА

---

## TILSHUNOSLIK ЯЗЫКОЗНАНИЕ LINGUISTICS

---

### **KAZAKOV ILHOM ROZMAMATOVICH**

Turg'un o'xshatishlarda madaniy konnotatsiya..... 7

### **BOTIROVA MAXLIYO BAXODIR QIZI**

Reklama matnlarining nutqiy xususiyatlari..... 12

### **XOLMONOVA IQBOLA ALISHER QIZI**

Korpusga asoslangan tadqiqotlarda  
tarjimashunoslikka oid nazariyalarning o'rni..... 16

## ADABIYOTSHUNOSLIK ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ LITERATURE

---

### **ЗАЙНАБИДИН АБДИРАШИДОВ**

Бухоро жадидларининг хайрия жамиятлари:  
мақсад ва вазифалар ..... 21

### **ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ**

Рауф парфи сонетлари ҳақида..... 25

### **НОРМАТ ЮЛДАШЕВ**

Чўлпоннинг бағишлов шеърлари..... 30

### **ARSLONOV ABDIMUROD KAROMATOVICH NIZOMIDDINOV ABBOSXON ABDUKARIM O'G'LI**

Aliybeg rustamiy ijodiga bir nazar..... 35

### **ҚОДИРОВА САОДАТ АБДУРАХИМОВНА**

“Зарбулмасал” адабиётшунослар баҳсида ..... 38

Philological research: language, literature, education  
2023; 1

Qabul qilingan sana: 18.01. 2023

Nashr etilgan sana: 28.01.2023

ISSN: 2181-1741 (Print); ISSN: 2181-1725 (Online)

## “ЗАРБУЛМАСАЛ” АДАБИЁТШУНОСЛАР БАҲСИДА

Қодирова Саодат Абдурахимовна,

Бухоро давлат университети Бошланғич таълим методикаси  
кафедраси катта ўқитувчиси

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётининг демократик йўналишига мансуб вакилларида бири бўлиб, Қўқон хонлигида яшаб ижод этган, ўз ижодий фаолиятини ҳажв ва масал жанрини янги босқичга кўтарган шоир ва моҳир масалнависдир. Норбўтабий ва унинг ўғиллари – Олимхон (1800-1809), Умархон (1810-1822)лар ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлиги кучайиб нисбатан марказлашган давлат, адабиётни, бадиий ижодни рағбатлантиришга қаратилган муҳит юзага келди. Мулла Гулханий халқ тилида “Умархон даври” деб ажратиб айтилаётган ана шу адабий-тарихий муҳитда ижод қилди<sup>1</sup>.

Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасида, Қори Раҳматулло Возеҳ Бухорийнинг “Тухфат-ул-аҳбоб” фи тазкират-ул асҳоб” антологиясида, Дилшоди Барнонинг “Тарихи муҳожирон” (“Сабот ул башар маа тарихи муҳожирон”) асарида, П.Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” (“Қўқон тарихи ва адабиёти”) тазкирасида Гулханий ҳақида баъзи маълумотлар берилган бўлиб, уларда шоир ҳаётининг “сарой адабиёти вакиллари билан курашда ўсгани, унинг сўз санъатида жиддий имтиҳондан ўтгани”<sup>2</sup>, ижоди ва ундан намуналар, аждодлари, тутган касб-кори, яшаш тарзи ҳақидаги маълумотлар сақланган. Гулханий ҳаётлик даврида яратилган Фазли Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси Гулханий ва унинг адабий мероси ҳақида маълумот берувчи энг ишончли манба ҳисобланади. Чунки тазкира муаллифи “Гулханийни кўрган, билган, у билан бевосита ижодий мулоқотда бўлган”<sup>3</sup>.

“Мажмуаи шоирон” тазкирасининг Гулханий ҳаётини ёритишга бағишланган саҳифаларида адибнинг “мулки кўҳистон” (тоғликлар диёри)дан экани,

унинг аждодлари ўз жойининг эътиборли кишиларидан бўлгани, шоир оғир ҳаёт кечиргани, ўзига “Гулханий” тахаллуси олиб, “бадастури алфози кўҳистон” (тоғликлар шеvasида) “латифу равон” ғазаллар битгани ўқтирилиб ўтилади<sup>4</sup>. Фазлий ўз тазкирасида унинг “Кўҳистон мулкидан” эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади:

Бувад Гулхани шоири кўҳсор,

Ғазалҳо навишта латифу равон,

Ба дастури алфози кўҳистон.

Гулханий тоғлик шоирлардандир, унинг сўзларининг асоси бўшдир. Латиф ва равон ғазаллар битган, бу ғазаллар тоғликлар услубидадир<sup>5</sup>.

Аммо бошқа тазкираларнинг авторлари уни гоҳ Намангандан, гоҳ Қўқондан чиққан деб талқин қилдилар. Қори Раҳматулло Возеҳнинг Бухорода туриб ёзган “Тухфатул аҳбоб...” китобида ёзилишича, “Гулханийнинг номи Муҳаммад Шариф бўлиб, унинг асли Намангандандур. У ерда шоир ҳаммомдорлик билан шуғулланган”<sup>6</sup>, деб Гулханийнинг исми Мулло Муҳаммад Шариф, асли наманганлик экани, Умархоннинг сарой шоирларидан бўлганини ўқтиради. Шунингдек, тазкира муаллифи шоирнинг “дастлаб ҳаммомдорлик ишларига муносабати бўлгани учун Гулханий тахаллусини қабул қилганлигини эслатади ва унинг шоирлик истеъдодига баҳо бериб, “шеърлари вазн жиҳатидан равон ва ўз тенгдош – замондошлари томонидан юқори баҳоланган”, деб қайд этади<sup>7</sup>. Гулханийнинг Намангонга муносабати тўғрисида адибнинг асосий биографи бўлмиш Фазлий Намангоний, нима учундир, ҳеч сўз айтмайди. “Мажмуаи шоирон”нинг дебоҳасида Фазлий адибнинг “мулки кўҳистон”дан эканини қайд этиш билан бирга, “хуштабъ, ширинсўз, соҳиби хунар” бу зотни бошқа бир жойдан эмас,

<sup>4</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – 14 б.

<sup>5</sup> Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – Б. 266-267.

<sup>6</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 15.

<sup>7</sup> Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 267 б.

<sup>1</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – 13 б.

<sup>2</sup> Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1964. – 266 б.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – 14 б.

Хўқанддан деб билинг, дея уқтиради, унинг бозордан тирикчилик қилишинини писанда қилади<sup>1</sup>.

Фазлий ўз тазкирасида Муҳаммад Шарифнинг ўзига Гулханий тахаллусини олиши сабабини куйидагича изоҳлайди:

*Хушо Гулхани шоири пурфан аст,  
Чи гулхан, ки зеботар аз гулшан аст.  
Зи девонахўию оташфани,  
Тахаллус ниҳода ба худ Гулхани.*

Гулханий ҳамма нарсани билувчи шоирдир. У фақат гулхан эмас. Балки гулшандан ҳам чиройлироқдир. Девонафеъллиги, оловтабиатлиги, истеъдодлиги, ўткир фикрлиги туфайли ўзига Гулханий тахаллусини қўйган<sup>2</sup>. Фазлий бир ўринда Гулханийнинг хон накарларидан эканига очиқ ишора қилиб, уни сипоҳий сифатида тасвирлайди ва ўз ишига моҳирлигини ўқтиради:

*Бувад Гулхани шоири кўхсор,  
Ба доргоҳи шоҳист ўро қарор.  
Зи мардони корист дар зўру жанг.  
Салоҳаш ба каф тегу тиру туфанг.*

Гулханий тоғлик шоирдир, у шоҳ даргоҳида қарор топди, яънияшмоқда. Куч-кувватда ва жангда мардлардандир, тиғ ва тир-туфанг отиш касбини яхши эгаллаганди<sup>3</sup>.

Гулханийшунос олимлар Ф.Намангонийнинг Гулханий ҳақидаги бу айтганларига ва Гулханий ғазалларининг баъзи тил хусусиятларига асосланиб, унинг Қўқонга Ғарм ёки Дарвоз томондан келиб қолган бўлиши мумкинлигини тахмин қиладилар<sup>4</sup>.

Пўлатхон Қаюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” тазкирасидасида эса “Мажмуаи шоирон”да келтирилган маълумотларнинг бир мунча аниқланган кўринишига дуч келамиз. Бунда айтилишича, Гулханийнинг ўзи эмас, унинг отаси Қоратегиндан келган бўлиб, Қўқонда уйланган, Гулханий ҳам Қўқонда туғилиб, шу ерда вояга етган, деган фикр илгари сурилган: “Гулханий – Хўқанд шаҳрида Сарботур маҳаллада туғулиб, шунда тарбияланиб ўсмиш аскарый бир ходим бўлиб, номи Муҳаммад Шарифдур. Отаси тожиклардан бўлуб, онаси ўзбекдур. Худойкули баҳодир номли саркарда Қоратегинли сипоҳнинг жамоасига мансуб экани сўзланадур. Ота-

си ёшлигида вафот этмиш. Худойкули баҳодирнинг тарбиясида ўқуб аскарый мулозим сифатида юруб шул баҳодирнинг орқасида саройга хизмат ила кириб қолгани ҳолда баҳодирнинг вафотидан кейин сарой аристократ саркардалар суруб қўймушлардур<sup>5</sup>. Содда ва юмшоқ кўнгилли экани аскарый саркардалиги бир-бирига тўғри келмаган икки ахлоқдур. Адабий машғулот Муҳаммад Шарифда ғолиб экани кўринадур<sup>6</sup>.

Дилшоди Барно “Тарихи муҳожирон” асарида ҳам Гулханий ҳақида маълумот беради. Дилшоди Барно хабарига қараганда ҳам, Гулханий ўз умрининг сўнги йилларида қаландарларча ҳаёт кечирган, қашшоқ шоирлар билан ҳаммом гўлаҳида кун ўтказган<sup>7</sup>.

Дилшод (Барно)отиннинг ёзганларидан “Гулханий”нинг вафотини чамалаб кўриш мумкин<sup>8</sup>. Дилшоди Барно “Тарихи муҳожирон” асарида хон ўрдасидан хориж бўлиб чиқаётган тунда ҳаммом гўлаҳида макон тутган бир неча қаландарларга дуч келганини эслаб ёзади: “Бу кулбага келганимдан бир неча йил кейин мазкур қаландарлар ила шуноса бўлум. Чунончи, икки йил ўтгандан кейин бир заифа воситаси ила шоир Маҳзуб рўзгарлари ила васлга муяссар ўлунди. Ул бузрук адиб сабаблари илан Мунтазир ва Гулханий борасида илм пайдо бўлди. Аммо шоир ва мутафаккир Гулханий боре фавт бўлғон экан”<sup>9</sup>.

Бу гаплардан Гулханийнинг Умархон вафоти (1822 йил)дан олдин ёки кейин кўп ўтмай дунёдан ўтганлиги англашилади. Дилшоди Барно 17 ёшда эканида, 1817 йилда Умархон кўшинлари Ўра тепани эгаллаб, асирлар қаторида Дилшод Барно ҳам Қўқонга олиб келиниб, хон саройига каниз қилиб киритилади, бироқ ўзининг ёзишича, хон саволларига Ўратепа босқинида ўз отасининг ноҳақ ўлдирилганидан гина қилиб жавоб бергани учун саройдан чиқариб юборилади ва бир имом хонадонига (имомга хотин бўлиб) ўтади, умрининг охиригача шу ерда мактабдорлик билан шуғулланади. Дилшоди Барно “бу кулбага” (имом уйига) 1817 йилда келган бўлса, ва орадан “икки йил ўтгандан кейин бир заифа воситаси ила” шоир Маҳзуб билан танишган, бу бузрук адиб орқали у ўзида “Мунтазир ва Гулханий борасида илм пайдо” қилган бўлса, бу сана 1819 йилга тўғри келади. Бу вақтда эса “шоир

<sup>1</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 16.

<sup>2</sup> Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 272 б.

<sup>3</sup> Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 268 б.

<sup>4</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 14-15.

<sup>5</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. ЎзФА Қўлэзмалар институти тахририй нашриёт бўлими. – Тошкент, 1998. – 137 б.

<sup>6</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. ЎзФА Қўлэзмалар институти тахририй нашриёт бўлими. – Тошкент, 1998. – 138 б.

<sup>7</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 18.

<sup>8</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 18.

<sup>9</sup> Дилшод Барно. Сабот ул башар маа тарихи муҳожирон. Қўлэзма. – Б. 23.

ва мутафаккир Гулханий боре фавт бўлгон экан”. Мазкур жумладан “икки йил ўтгандан кейин” деган қисмини ундан аввалги “бир неча йил кейин” деган билан алмаштириб тушунганимизда ҳам бу санани Умархон вафотидан (1822 йил) жуда узоққа суриш қийин. Дилшоди Барнонинг ўша жумла охирида “Зарбулмасал”ларини ўқиб, ўз диёрим қишлоқлари борасинда ажойиб ойинанамо масаллар ёзганлари кўп таъсир қилди” деган гапи ҳам борки, шоира бу билан гўё Гулханийнинг вафоти ҳақидаги маълумотига муҳр босгандай бўлади<sup>1</sup>.

Бизнингча, Гулханийнинг аждодлари тоғликлардан бўлса ҳам, ўзи Қўқонда туғилиб, шу муҳитда вояга етган. Акс ҳолда, унинг ўзбек тили бисоти ва халқ урфу одатларини “Зарбулмасал”дагичалик чуқур билиши, аскиячиликда шуҳрат топиши ва ўзининг бу сифатлари билан сарой шоирлари доирасига кириб бориши осон бўлмас эди<sup>2</sup>, деб ёзади филология фанлари доктори Ф.Исҳоқов.

Гулханий ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида ижод этган зуллисонайн шоир булиб, Фазлий таъбири билан айтганда, у “такаллум қилур туркию форси эрур шеър майдонининг фориси”<sup>3</sup> (от чопари)дир. Муҳаммад Шариф тожикча ғазалларида Гулханий билан бирга Журъат тахаллусини ҳам қўллаган. “Мажмуаи шоирон” тазкирасида Журъатнинг Гулханий эканлигини таъкидловчи изоҳ мавжуд:

*Бу Журъатки аввал эрди Гулханий,  
Эрур барча ҳазъён демаклик фани<sup>4</sup>.*

Гулханийдан қолган адабий мерос унча катта эмас. Қори Раҳматулло Возеҳ шоирнинг ғазал ва қасидаларидан иборат девони борлиги ҳақида хабар берган бўлса ҳам, у топилмаган<sup>5</sup>. Гулханийнинг 12 ғазали ва бир қасидаси Фазлий тазкираси орқали етиб келган. “Бири”, “Кўринг” радифли ва “Лола кўксидек бағрим таҳ-батаҳ қаро қонлар” деб бошланувчи ўзбек тилидаги ғазаллари; “Эй тўти”, “Бурун”, “Аз чашми ман”, “Ангушт”, “Ангуштам”, “Бидеҳ” радифли ва “Эй бути ширин лабу сиймин тану рангин қабо” деб бошланувчи тожикча ғазаллари мавжуд<sup>6</sup>. Гулханийнинг энг муҳим ижодий фазилати шундаки, у XIX аср фольклористи сифатида ўзбек халқининг донишмандлигини ифода этган масаллар, мақолларни тўплаб, ўзининг машҳур

“Зарбулмасал” асарини яратди. Пўлатхон Қайюмов “Тазкираи Қайюмий” тазкирасида “Зарбулмасал” ҳақида: “Ғазал, мухаммасларигина эмас, унинг ёзган “Зарбулмасал” номли китоби ўлмас бир асар бўлиб қолди. “Зарбулмасал” китоби ўшал даврдаги муҳим танқидий бир асарлиги билан бирга масалларга намунавий бир изоҳ бўлиб, Гулханийнинг ижодидаги қарашини кўрсатувчи ҳамда ундаги ўзбек фольклорининг қиймати ва авторнинг фольклорга бойлигининг очиқ кўрсатувчи тарихий қийматга эга бир нодир асардир<sup>7</sup>”, деб баҳо беради.

“Зарбулмасал” – ўзбекча насрий бадиий ёдгорликнинг ноёб намунаси бўлиши билан бирга, тузилиши, мазмуни, тили, бадиий тасвир воситаларининг ўткирлиги жиҳатидан ҳам тенги, ўхшаши йўқ оригинал асардир<sup>8</sup>.

Асарнинг муқаддима қисмида Гулханий “Зарбулмасал”нинг ёзилиш тарихига оид қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Амир Умархон саройида бўлиб турадиган одатдаги “Базми Жамшидлар” – адабий кечалардан бирида “бурунги – яхшилардин қолгон зарбулмасалларнинг сўзланмишда ва чечанлик бобида” тутган муҳим ўрни устида сўз кетади. Суҳбтда Амир Навоийнинг “Ошни таъми тузи билан, сувнинг таъми муз билан” деган сўзлари эсга олиниб, раъйи олий (Амир Умархон эътибори) халқ ичидаги шу зарбулмасалларни тўплаш зарурлигига қаратилади. “Баногоҳ, – деб ёзади Гулханий, – назари кимёи асарлари бу камина Мулла Гулханийга тушуб, эътироф ва алтофи хурсавоналари қарин ва шомил аҳволим кўриб буюрдиларки, бу зарбулмасалларни неча ҳикоятлар аросинда ақлу донишинг борлиги етишича тартиб вер! Ман айдим: – Эй шоҳи жаҳонпаноҳо, тожикни бир масали бордурки, “Аз кўза ҳамон таровадки, даруст” (Кўзада бори ағдарилганда, бари тўкилади). Алар айтдиларки, “Ўзбакни бир масали бордурки, “Эшакига яроша тушоғи”<sup>9</sup>.

Ушбу топшириқдан кейин адиб “Амирнинг амрларини вожиб билиб”, “Зарбулмасал”ни ёзишга киришади ва “Япалоққуш билан Бойқушнинг қудалиқлари аросинда тўрт юз зарбулмасали авомуннос”ни ботартиб баён қилмоқчи бўлади<sup>10</sup>.

Асарнинг ёзилиш тарихига оид бу қисқагина тасвирдан келиб чиқадиган каттагина хулосалар бор. Бири шуки, Амир ва унинг атрофидагии ки-

<sup>1</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – 19 б.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – 16 б.

<sup>3</sup> Абдулқарим Фазлий. Мажмуаи шоирон. Қўлёзма. – 242 б.

<sup>4</sup> Абдулқарим Фазлий. Мажмуаи шоирон. Қўлёзма. – 242 б.

<sup>5</sup> Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 272 б.

<sup>6</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 19.

<sup>7</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. ЎзФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими. – Тошкент, 1998. – 138 б.

<sup>8</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 24.

<sup>9</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 24-25.

<sup>10</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 24-25.

шилар Мулла Гулханийнинг халқчил табиати ва ўткир адабий қобилиятини тан олганлар. Иккинчи томондан, ўзидаги қобилиятни тўлароқ номоён қилиш учун Гулханийга юқоридан шунчаки бир ишора зарур эди, шу ишора баҳона “Зарбулмасал” дунёга келди<sup>1</sup>.

“Зарбулмасал” асари Шарқ халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган, шунингдек, Навоий сингари сўз усталари томонидан қўлланилган ҳикоя ичида ҳи-

коя, халқ аскиячилиги усулида яратилган. Бу ҳол Гулханийнинг “Минг бир кеча”, “Калила ва Димна” сингари буюк ҳинд масалларини, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Муслиҳиддин Саъдий, Жомий, Алишер Навоий каби улуғ ва мўътабар шоирларнинг асарларини ҳамда халқ оғзаки ижодини яхши ўзлаштирганидан, ўткир аскиячи ҳам бўлганидан далолат беради.

**Rezume.** “Zarbulmasal” is a unique example of an Uzbek prose artistic monument, and it is an original work that has no equal in terms of structure, content, language, sharpness of artistic image tools. In terms of being built on the basis of storytelling, the work is close to the examples of Uzbek artistic prose monuments before Gulkhani, such as Rabguzi’s stories and Khoja’s stories.

**Резюме.** “Зарбулмасал” – уникальный образец художественного памятника узбекской прозы, оригинальное произведение, не имеющее себе равных по структуре, содержанию, языку, остроте художественных средств изображения. По построению на основе повествования произведение близко к образцам памятников узбекской художественной прозы до Гюльхани, таким как рассказы Рабгузи и рассказы Ходжи.

<sup>1</sup> Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”нинг илмий танқидий матни: Филол. фан. докт. дисс. –Тошкент, 1997. – Б. 25.